

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

МАЖИДОВ ШАХЗОД АБДИХАЛИЛ ЎҒЛИ

**КОРРУПЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ҲАҚИДА ХАБАР БЕРГАН
ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.12 – Коррупция муаммолари (юримик фанлар)

Юримик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of doctor of philosophy (PhD) dissertation

Мажидов Шахзод Абдихалил ўғли

Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахслар
ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш масалалари.....5

Majidov Shakhzod Abdixalil ugli

Issues of improving the protection of the rights of individuals who report
corruption offences.....27

Мажидов Шахзод Абдихалил угли

Вопросы совершенствования защиты прав лиц, сообщающих о
коррупционных правонарушениях.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ.....52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

МАЖИДОВ ШАХЗОД АБДИХАЛИЛ ЎҒЛИ

**КОРРУПЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ҲАҚИДА ХАБАР БЕРГАН
ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.12 – Коррупция муаммолари (юримик фанлар)

Юримик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2025

Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.1.PhD/Yu998 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий рахбар:

Каримов Вахабжон

юридик фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тиллабоев Мирзатилла Алишерович

юридик фанлари доктори, профессор

Кабилов Шариф Рахимович

иқтисод фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси

Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил 15 январь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлаб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел.: (99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (81-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел.: (99871)202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил 26 декабрь тарқатилди.
(2025 йил 26 декабрь 45 - рақамли реестр баённомаси).

М.А.Аминжонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

А.А.Туляганов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

Кириш (фалсфа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар бозор муносабатлари ва демократик институтларнинг шаклланишига, жамиятнинг барча соҳалари ва ижтимоий ривожланишга, амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислоҳотларга тўсқинлик қилувчи омил сифатида баҳоланади. Таҳлилларга кўра, ҳозирда коррупциянинг дунё миқёсидаги зарари 3 триллион АҚШ долларига яқин миқдорни ташкил қилаётганлиги унга қарши курашишга комплекс ёндашувни талаб қилинишини намоён этади¹. Коррупцияга қарши курашиш соҳасининг халқаро-ҳуқуқий асоси ҳисобланган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциянинг 33-моддасида ҳар бир иштирокчи давлат ваколатли органларига Конвенцияда жиноят деб топилган хатти-ҳаракатлар хусусида исталган далиллар тўғрисида ҳалол ва оқилона асосларга таянган ҳолда хабар бераётган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган тегишли чораларни ўзининг ички ҳуқуқий тизимига киритиш имкониятларини кўриб чиқиши лозимлиги қайд этилган².

Жаҳонда коррупциявий жиноятларнинг тобора юқори даражадаги профессионализм билан замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда содир этилиши ва кўлами ортиб бораётганлиги, уларнинг ижтимоий хавфлилигини янада кучайтирмоқда. Шу сабабли, коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда коррупциявий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш бўйича тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Чунончи, 21.04.2025 йилдаги ПФ-71-сон Фармони билан тасдиқланган амалий чора-тадбирлар дастурида коррупция ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тартибини назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш асосий вазифа сифатида белгиланган³. Бироқ, Transparency International (TI) халқаро ташкилотининг Коррупцияни идрок этиш индекси (CPI)да Ўзбекистон 2024 йилда 32 балл билан 2023 йилга нисбатан 1 поғонага пастлаган бўлса,⁴ Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (OECD) Истанбул ҳаракатлар режасининг 2024 йилнинг апрель ойида ўтказилган 5-раунд мониторингинг Ўзбекистон Республикасида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган

¹ Ўзбекистон Республикаси Шавкат Мирзиёевнинг Коррупцияга қарши курашиш соҳасида юксак халқаро мукофотни топишириш маросимидаги нутқи. (Электрон манба): <https://president.uz/uz/lists/view/6934>

² Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси. Нью Йорк, 31.10.2003. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами, 2008 й., 3-4-сон. (Электрон манба): <https://lex.uz/docs/1461329>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. ПФ-71-сон. 21.04.2025. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/ru/docs/7486412>

⁴ (Электрон манба): <https://www.transparency.org/en/countries/uzbekistan>

шахсларни ҳимоя қилиш бўйича миллий қонунчиликни баҳолаш натижаларига кўра, хабар берган шахсларнинг ҳуқуқий ҳимояси юзасидан энг паст “қониқарсиз” баҳоси берилди¹. Статистик маълумотларга кўра, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига 2021-2024 йиллар ва 2025 йилнинг дастлабки олти ойида жами 17728 та (2021 йилда 156 та, 2022 йилда 96 та, 2023 йилда (87) та 2024 йилда 341 та, 2025 йилнинг 6 ойида 143 та) келиб тушган мурожаатларнинг 823 тасини (4,64%) коррупциявий ҳуқуқбузарликларга оид хабарлар ташкил этган бўлса², Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил март ойида ташкил этилган “1161” ишонч телефони ва “@brantikoruz_bot” телеграм боти орқали 2025 йил март-сентябрь ойларида жами 329 та (Қорақалпоғистон Республикаси 5 та, Андижон 36 та, Бухоро 18 та, Жиззах 12 та, Қашқадарё 34 та, Навоий 13 та, Наманган 20 та, Самарқанд 31 та, Сурхондарё 25 та, Сирдарё 4 та, Фарғона 27 та, Хоразм 13 та, Тошкент вилояти 42 та ва Тошкент шаҳар 49 та) коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабарлар келиб тушган³. Қайд этиш лозимки, тадқиқот иши давомида 1100 нафардан ортиқ аҳоли ва давлат хизматчилари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровнома натижаларига кўра, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларнинг 31,6 фоизи хабар бериш ортидан иш жойида меҳнатга оид муносабатларида турли шаклда тазйиқ ва таъқибга учраганлигини билдиришган⁴. Бу эса ҳозирги кунда республикада содир этилаётган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш аҳволи етарли жиҳатдан талабга жавоб бермаслиги ҳақида хулоса қилиш имконини беради. Юқоридаги ҳолатлар юридик фан олдига мазкур соҳадаги мавжуд аҳволни таҳлил қилиш, тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича илмий тадқиқот ўтказиш заруриятини юзага келтиради.

Ушбу тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023), Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни (2017), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги (2022), “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2023), “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2025) Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши

¹ Fighting Corruption in Eastern Europe and Central Asia. Anti-corruption reforms in Uzbekistan. Istanbul anti-corruption action plan fifth round of Monitoring. OECD 2024.

² Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг йиллар кесимидаги мурожаатлар таҳлили ҳисоботидан. (Электрон манба): <https://anticorruption.uz/uz/murojaatlar-tahlili>

³ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 2025 йил 16 сентябрдаги 7-4580148/25-сон билдиргиси доирасида Бош прокуратуранинг Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги чора-тадбирларни мувофиқлаштириш бошқармасининг ҳисобот маълумотларидан олинган.

⁴ Қаранг: Сўровнома натижалари диссертация тадқиқот ишининг 5-илоvasида келтирилган.

курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги (2020) қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари мустақил тадқиқот объекти сифатида етарлича илмий жиҳатдан ўрганилмаган бўлса-да миллий ҳуқуқшунос олимлар, жумладан У.Алоев қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш, А.Атажанов суд тизимида коррупция ҳолатлари, О.Исмоилов коррупциявий латент жиноятларни фош этиш, Т.Кенжаев коррупцияга қарши экспертиза, Т.Сафаров идоравий коррупцияга қарши курашиш механизмлари, М.Мухаммадиева коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларнинг ролини ошириш ва З.Қўчқаров томонидан олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва бартараф этиш масалалари илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Ҳуқуқшунос олим С.Мамановнинг “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида “комплаенс-назорат” тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” номли тадқиқотида иш жойида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида кўнгилли хабар берган шахслар тушунчасига таъриф берган ҳолда уларнинг коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги ўрнини таҳлил қилган бўлса, ҳуқуқшунос олим Ф.Ғайбуллаев томонидан “Олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги тадқиқот ишида ижтимоий тармоқларда ёритилган коррупцияга оид хабарлар юзасидан дастлабки текширишлар ўтказиш билан боғлиқ айрим масалалар ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш тизимининг илмий-назарий ва ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларининг тадқиқ этилиши Америка, Европа ва Жанубий-Шарқий Осиё ҳамда МДҲ мамлакатлари тадқиқотчиларининг ҳиссасига тўғри келади.

Хусусан, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларнинг ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида фош этиш ва олдини олишда тутган ўрни ва аҳамияти, шунингдек, уларнинг ҳуқуқларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш юзасидан илмий-назарий тадқиқотлар МДҲ давлатлари доирасида: Н.Ю.Волосова, Э.Л.Сидоренко, В.М.Мешков, А.В.Богатов, О.В.Журкина О.В.Макарова А.В.Михневич, А.М.Цирин ва Е.И.Спектор ва бошқа ҳуқуқшунос олимлар томонидан илмий тадқиқ этилган.

Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишга оид тадқиқотлар Америка ва Европа қиътаси давлатларининг ҳуқуқшунос олимлари: M.P.Miceli, T.M.Dwarkin, J.Near, J.Nadler, N.M.Rongine, (АҚШ), H.Spadina (Хорватия), D.Banisar, A.Mendes (Буюк Британия), P.Jubb, J.McLaren, A.J.Brown, (Австралия), G.Thusing, J.Habermas (Германия), E.Hennequin, W.Vandekerckhove (Франция) томонидан тадқиқ этилган.

Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларидан: M.K.Yamaguchi (Япония), G.Kolata (Корея Республикаси), A.Sharma, J.Devakumar, (Ҳиндистон), Z.Ismail, M.Abdul-Hamid (Малайзия), M.I.Aruzzi, I.Nurhidayat (Индонезия) сингари ҳуқуқшунос олимлар томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликлар юзасидан хабар бериш каналларини жорий этиш истиқболлари ва хабар берган шахсларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари тадқиқ этилган¹. Бироқ, мамлакатимизда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш тизими мустақил тадқиқот объекти сифатида етарлича тадқиқ этилмаган ва алоҳида монографик тадқиқотлар ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган бўлиб, “Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги долзарб муаммолар” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва уларни рағбатлантириш билан боғлиқ назарий ва ҳуқуқий муаммоларни бартараф этиш юзасидан миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда мавзу бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш институтининг вужудга келиш тарихини ўрганиш;

Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган давлатчиликлар тарихида ушбу институтининг ривожланиш босқичларини тадқиқ этиш;

коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларга оид назарий тушунчаларни илмий-назарий таҳлил қилиш;

коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро стандартларни қиёсий-ҳуқуқий таҳлил асосида тадқиқ этиш;

коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар(лар) фақат жамият, давлат ва халқ манфаатларини кўзлаб берилишини таъминлаш юзасидан “хабар беришда ғаразгўйлик”, “хабар беришда шахсий адоват” ва “шахсий манфаатларни кўзлаб хабар бериш” сингари тушунчаларни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш;

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишга оид миллий қонунчилик ҳужжатларини таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида аноним хабар беришнинг асос ва тартиблари бўйича халқаро стандартлар ва илғор хорижий давлатларнинг тажрибасини инобатга олиб, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида аноним тарзда хабар бериш тизимини жорий этишнинг истиқболларини тадқиқ этиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунини қабул қилишнинг долзарблигини таҳлил қилиш ва қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;

манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаслик билан боғлиқ коррупцияга оид маъмурий ва спорт соҳасидаги коррупциявий жиноятлар ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асосларини белгилашнинг долзарблигини ўрганиш;

коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш юзасидан халқаро стандартлар ва илғор хорижий давлатларнинг ушбу соҳадаги тажрибаларини ўрганиш ва уларнинг ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка тадбиқ этиш юзасидан илмий асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва уларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришга доир ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот предмети коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни рағбатлантириш тизимини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи процессуал ва бошқа қонунчилик нормалари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, суд-тергов амалиёти, халқаро стандартлар, илғор хорижий давлатларнинг қонунчилик амалиёти, юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотини амалга оширишда илмий билишнинг тарихийлик, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, социологик сўров, илмий манбаларни тадқиқ этиш, статистик маълумотлар таҳлили, интервью ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаслик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар рўйхатига киритиш ва ушбу турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асосларини қонунчиликда белгилаш асослантирилган;

манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаслик билан боғлиқ коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида

хабар берган шахсларга суд орқали ундириладиган жариманинг эллик фоизи миқдорида бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантириш асослаб берилган;

непотизм ва одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ хатти-ҳаракатларни коррупциявий ҳуқуқбузарликларга оид хабарларнинг тоифаларига киритишнинг зарурати асослантирилган;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларга нисбатан иш жойида таъқиб, тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари, шу жумладан меҳнат ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида уларга ҳимоя орденини тақдим этиш зарурлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахс”, “Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахснинг ҳимоя ордери”, “Хабар беришда ғаразғўйлик”, “Хабар беришда шахсий адоват” ва “Шахсий манфаатларни кўзлаб хабар бериш” тушунчаларига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-назарий қарашлари, халқаро стандартларда белгиланган тавсиялар ва илғор хорижий давлатларнинг тажрибалари умумлаштирилиб, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида аноним мурожаатларни қабул қилиш ва тегишли тартибда ўрганишнинг ҳуқуқий асосларини миллий қонунчиликда белгилаш юзасидан қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан қарор лойиҳаси ишлаб чиқилган;

коррупциявий ҳуқуқбузарликларга оид хабарларнинг аниқ тоифалари таснифланган;

коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларнинг мақоми, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хабар беришнинг турлари ва тартиби, хабарларни кўриб чиқишнинг процессуал тартиби ва муддати, шунингдек, хабар берган шахсларни ҳимоя қилишда давлат органлари ва иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунини қабул қилишнинг долзарблиги ўрганилиб, қонун лойиҳасини қабул қилиш баён этилган;

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот миллий қонунчилик нормалари, халқаро стандартлар, ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси, социологик тадқиқотнинг сўровнома ва интервью шакллари, статистик маълумотлар таҳлили, ҳуқуқни қўллаш амалиётдаги муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимига йўналтирилган ҳаракатлар моделининг методик хусусиятга эга тавсиялар орқали синовдан

Ўтказилганлиги ҳамда тадқиқот натижалари фаолиятнинг самарадорлигига таъсир этишга қаратилган тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Тадқиқ этилаётган муаммолар бўйича 1100 нафардан ортиқ аҳоли давлат хизматчилари ўртасида социологик сўровномалар ўтказилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган назарий ёндашув ва усулларнинг расмий манбалардан олинганлиги, ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтганлиги, тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда чоп этилганлиги ва олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда келтирилган илмий хулосалар ва таклифлардан келгусида илмий фаолият, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, коррупцияга қарши курашиш соҳасида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек, “Коррупцияга қарши курашиш”, “Коррупциянинг олдини олиш”, “Коррупцияга қарши курашишда халқаро стандартлар” ва “Коррупция муаммолари” модулларни ўқитиш, ўқув жараёнларида маъруза, семинар ва амалий машғулотлар ўтказиш ҳамда услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда илгари сурилган илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришда, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, давлат ташкилотларида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишга маъсул тузилмасининг ходимлари учун методологик асосларни яратишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси тингловчилари, олий таълим муассасалари талабалари учун илмий ва ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда ҳамда ўқув жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаслик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик рўйхатига киритиш ва ушбу турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш юзасидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2020 йилдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 3-банди бешинчи хатбошисига ўзгартириш ва

кўшимчалар киритишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2025 йил 14 ноябрдаги 8/12-0016-сон далолатномаси*). Мазкур таклиф манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаслик билан боғлиқ коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантиришнинг норматив-ҳуқуқий асосларини белгилашга имкон берган;

манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаслик билан боғлиқ коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсларга суд орқали ундириладиган жариманинг эллик фоизи миқдорида бир марталик пул мукофоти тариқасида рағбатлантириш ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2020 йилдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 9-банд “а” кичик бандининг учинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2025 йил 14 ноябрдаги 8/12-0016-сон далолатномаси*). Мазкур таклиф манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаслик билан боғлиқ коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсларни бир марталик пул мукофоти билан тақдирланишини таъминлашга хизмат қилган;

непотизм ва одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ хатти-ҳаракатларни коррупциявий ҳуқуқбузарликларга оид хабарларнинг тоифаларига киритиш ҳақидаги таклифидан “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасининг 23-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2025 йил 28 майдаги 8-сон далолатномаси*). Ушбу таклифнинг инобатга олиниши хабар берган шахсларга нафақат коррупцияга оид маъмурий ёки жиноий ҳуқуқбузарликлар, балки коррупциявий хатти-ҳаракатлар хусусида хабар берганда давлат ҳуқуқий ҳимоясини тақдим этилишига хизмат қилади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларга нисбатан иш жойида таъқиб, тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини, шу жумладан меҳнат ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида уларга ҳимоя ордерини тақдим этиш ҳақидаги таклифидан “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасининг 36-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2025 йил 28 майдаги 8-сон далолатномаси*). Ушбу таклифнинг инобатга олиниши хабар берган шахсларга иш жойида меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан превентив ҳимоя чорасининг бир тури сифатида ҳимоя ордерини тақдим этиш орқали уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та (3 та халқаро, 9 та республика) илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, ОАК томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган журналларда 12 та илмий мақола, шундан 11 та миллий ва 1 та хорижий журналларда, конференцияларда 12 та, шундан 3 та халқаро, 9 та миллий мақола ва тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, 8 параграфдан иборат учта боб, хулоса, атамалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг матни 156 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, унинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, натижаларнинг нашр этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш институтининг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида дунё ва Ўзбекистонда вужудга келган давлатчиликлар тарихида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш институтининг вужудга келиш тарихи ва ривожланиш босқичлари, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро ҳуқуқий-ҳужжатлар, халқаро стандартлар, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларга оид назарий ва ахлоқий қарашлар таҳлили ва мавзуга доир ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-назарий қарашлари ўрганилган.

Диссертант томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш институти вужудга келишининг ҳуқуқий асослари қадимги Рим ва бошқа давлатларнинг цивилизацияларида қонуний тарзда ҳужжатлаштирилмасдан турли шаклларда мавжуд бўлганлиги, кейинчалик ушбу институт VII асрда Англияда “*Qui tam*” (*Ўзи учун ҳам, қирол учун ҳам жиноий иш қўзғатадиган*) атамаси остида вужудга келганлиги, кейинги даврларда мазкур институтининг ҳуқуқий асослари Кент қироли Вихреднинг декларацияси, Россия империясининг 1649 йилдаги “Собор кодекси”, 1715

йилдаги “Ҳарбий акт” ва 1755 йилдаги “Божхона хартияси” номли низомлари, Францияда 1584 йилдаги “Жамоат манфаати” номли фармон, АҚШ Конгресси томонидан қабул қилинган 1863 йилдаги “Сохта даъволар тўғрисида”ги қонун, Ирландиядаги “Петер Берри” иши ва Японияда 1721 йилда қабул қилинган “Арзнома кутисини (*sojoubako*), (*meyasubako*) ташкил этиш ва фаолият юритиши тўғрисида”ги низомларда белгиланганлиги, шунингдек, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш институтининг ривожланиш босқичлари Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган давлатларнинг давлатчилик тарихида олти даврга бўлинган ҳолда тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Диссертант томонидан мазкур бобда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга оид 10 дан ортиқ асосий ва факультатив халқаро ҳуқуқий-ҳужжат ва халқаро стандартлар таҳлил қилиниб, ушбу ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш тизимини тартибга солиш ва такомиллаштиришга доир берилган нормалар илмий-қийёсий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Тадқиқотчи томонидан ушбу бобда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахс (*whistleblower*) ва гувоҳнинг (*witness*) ҳуқуқий мақоми халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ва ҳуқуқшунос олимларнинг (*В.Нехамкин, В.Ю.Катасонов, А.М.Цирин, Е.И.Спектор ва бошқа*) назарий қарашлари асосида ўрганилиб, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахс ва гувоҳнинг мақомида фарқлар мавжуд эканлиги тўғрисида хулосага келинган.

Бундан ташқари, диссертант томонидан жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида кўнгилли ва виждонан хабар берган шахслар (*whistleblowers*) ва ғаразли мақсадда хабар берган шахсларга (*informers*) оид ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-назарий қарашлари икки гуруҳга бўлган ҳолда ўрганилган бўлиб, биринчи гуруҳ олимларининг (*Д.Скултз, К.Ҳарутюнян, П.Бовал, Р.Ҳай, А.Напаофф*) фикрича, жамият манфаатлари юзасидан ёхуд ғаразли мақсадларни кўзлаб хабар берган шахсларга оид назарий тушунчаларда фарқ мавжуд эканлиги, иккинчи гуруҳ олимларининг (*Л.К.Гасиоровска, В.Вандекерскхове, Жон Мкларен, В.Кендалл, Л.Роок*) фикрига кўра, ушбу икки тушунчани ахлоқий мезонлар асосида фарқламасдан, уларнинг фаолиятини ҳуқуқий нуқтаи назардан яъни берилган хабарнинг асосли ва ишончли эканлиги нуқтаи назаридан баҳолаш тарафдорлиги тадқиқ этилган.

Тадқиқотчи биринчи гуруҳ олимларининг илмий-назарий қарашларини кўллаб-қувватлаган ҳолда муаллифнинг фикрича, ғаразли мақсадда хабар берган шахслар (*informers*) кўпинча қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар билан шуғулланиб, хабарни ошкор қилиш орқали жавобгарликдан озод бўлиш ёхуд жавобгарликни енгиллаштириш воситаси сифатида фойдаланиши ҳамда улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан тобе позициясида бўлиши таъкидлаган бўлиб, улар хабарни ошкор қилганликлари учун фойда ёки

мукофот олишни ўз олдига биринчи даражали мақсад сифатида қўйиши мумкин. Аксинча, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларнинг (*whistleblowers*) биринчи навбатдаги асосий мақсади мукофот олиш эмас, балки жамият ва давлат манфаатлари кўзлаб хабар бериш ва коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга беғараз тарзда ёрдам бериш ҳисобланади.

Муаллиф мазкур бобда “Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахслар” (*whistleblower*) тушунчаси юзасидан ҳуқуқшунос олимлар (*А.Ж.Браун, Ж.Неар, М.Микели, Р.Нейдер, Ж.Надлер, М.Скулман, Р.Калланд, Г.Дехн, В.Эатон, Д.Акерс, Ф.Чеварриа, М.Силвестре, А.Мансбач, П.Жубб ва бошқалар*)нинг илмий-назарий қарашларини таҳлил қилган ҳолда ушбу тушунчага қуйидагича муаллифлик таърифини таклиф қилган:

“Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахслар” – жамият ва давлат манфаатларига зарар етказаётган ёхуд етказиши мумкин бўлган коррупциявий ҳуқуқбузарлик ва хатти-ҳаракатлар ҳақида ички, ташқи, оммавий (ошкора) ва марказлаштирилган тармоқ (канал) орқали бевосита ўз бўйсунуви асосида раҳбарига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка ахборот тақдим қилган жисмоний шахс ёки унинг қонуний вакили ёхуд юридик шахснинг вакилидир.

Ушбу бобда диссертант бугунги кунда мамлакатимизда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларга нисбатан жамият аъзолари ўртасида салбий ахлоқий қарашлар (*коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни жаргон сўзлари остида стукач, қулоқ, терпила ва бошқа терминлар остида аташ*) тарихий, ижтимоий ва ҳуқуқий омиллар асосида шаклланганлиги, тадқиқот иши давомида мамлакатимиз бўйлаб 1100 нафардан ортиқ аҳоли давлат хизматчилари ўртасида ўтказилган сўровнома яқунлари бўйича “Сизнингча, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахс ким?” деган мазмундаги саволга респондентларнинг **31,9 фоизи** хабарчи (*жаргон: қулоқ, сотқин, терпила, информатор, стукач ва бошқа*) сифатида баҳолашини билдирган бўлиб, муаллифнинг фикрича, жамият аъзолари ўртасида ушбу салбий психологик қарашларнинг шаклланишига тарихий, ҳуқуқий ва ижтимоий омиллар сабаб бўлгани таъкидланган.

Шунингдек, диссертант томонидан хабар бериш жараёнида хабар берган шахслар томонидан шахсий адоват, ғаразгўйлик ёхуд шахсий манфаатларни кўзлаб хабар берилиши мумкинлиги юзасидан ўтказилган ижтимоий сўровнома (*респондентларнинг 44,4 фоизи ўзга шахсларнинг обрўсига қасддан путур етказиш мақсадида шахсий адоват ёки ғаразгўйлик ёхуд шахсий манфаатларни кўзлаб хабар берилиши мумкинлигини билдиришган*) натижаларидан келиб чиққан ҳолда хабар берган шахсларнинг мотиви асосида шаклланадиган “хабар беришда ғаразгўйлик”, “хабар беришда шахсий адоват” ва “шахсий манфаатларни кўзлаб хабар бериш” тушунчаларини миллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимлар (*У.Закирова, И. Г.Тютюнник, А.А.Турышев,*

Д.О.Теплова, С.И.Никулин, А.И.Чучаев, Е.Гил, С.Вшивцев ва Р.А.Севостьянов)нинг илмий-назарий қарашлари асосида таҳлил қилинган ва коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш жараёнида ушбу ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида мазкур тушунчаларга муаллифлик таърифи берилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикасида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари”** деб номланган иккинчи бобида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахслар ҳимоясини таъминлашнинг миллий қонунчилик асослари, хабар берган шахсларни рағбатлантириш масалалари ва уларни ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари, статистик маълумотлар, социологик сўровномалар ҳамда хорижий давлатларнинг ушбу йўналишдаги илғор тажрибаси асосида хабар берган шахсларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни такомиллаштириш масалалари ўрганилган.

Ушбу бобда муаллиф томонидан бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ўртасида қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларнинг жиноятнинг олдини олишга ёхуд уни фош этишга қўмаклашувчи шахслар ва гувоҳларнинг ҳуқуқий мақоми ўртасидаги фарқлар ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-назарий қарашлари, ижтимоий сўровнома ва амалиётчи ходимлар ўртасида ўтказилган интервью натижалари ҳамда илғор хорижий давлатларнинг қонунчилиги асосида таҳлил қилинган ва тадқиқотчи томонидан хабар берган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми жиноятнинг олдини олишга ёхуд уни фош этишга қўмаклашувчи шахслар ва гувоҳлардан фарқ қилиши юзасидан хулосага келинган.

Шунингдек, диссертант томонидан ушбу бобда Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг нормалари фақат жиноий-ҳуқуқий муносабатларга тааллуқли эканлиги, мазкур қонунда белгиланган ҳимоя чоралари коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар (*МЖМҚнинг 61¹, 193¹, 193² ва 193⁴-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар*) тўғрисида хабар берган шахсларга нисбатан қўллаб бўлмаслиги, шу сабабли коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими миллий қонунчиликда комплекс тартибга солинмаганлиги таъкидланган.

Шу билан бирга мазкур боб доирасида тадқиқотчи томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш билан боғлиқ муаммолар тадқиқ этилган бўлиб, муаллифнинг фикрича, ушбу шахсларни рағбатлантиришда қуйидаги муаммолар мавжуд:

– 31.12.2020 йилдаги Вазирлар Маҳкамасининг 829-сон қарори билан тасдиқланган “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги низомда манфаатлар тўқнашуви

тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаслик билан боғлиқ коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик (*МЖтКнинг 193⁴-моддаси*) ва спорт соҳасидаги коррупциявий жиноятларлар (*ЖКнинг 214¹-214²-моддалари*) тўғрисида хабар берган шахсларни рағбатлантиришнинг норматив-ҳуқуқий асослари белгиланмаган;

– манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаслик билан боғлиқ коррупциявий маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсларни бир марталик пул мукофоти билан тақдирлашнинг ҳуқуқий асослари мавжуд эмас;

– хабар берган шахсларни бир марталик пул мукофоти билан тақдирлашда ушбу пул мукофотини базавий ҳисоблаш миқдорида мувофиқ тўлаб беришда коррупцияга оид хабар(лар) берилган ёки прокурорнинг, суриштирувчининг, терговчининг қарори ёхуд суднинг ҳукми, қарори ва ажрими қабул қилинган кунда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдори бўйича тўланиш ёки тўланмаслик юзасидан аниқ норматив қоида мавжуд эмас;

– хабар берган шахсларни рағбатлантириш билан боғлиқ харажатлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, аммо амалиётда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида мазкур ҳолатларни рағбатлантириш учун пул маблағлари алоҳида кўрсатилмаётганлиги, шунингдек, рағбатлантиришнинг бошқа манбалари белгиланмаган.

Муаллиф тадқиқот ишида статистик маълумотларга мурожаат этиб, 2024 йил ҳолатига кўра, жиноят ишлари бўйича судлар томонидан МЖтКнинг 193⁴-моддаси (*Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаслик*) юзасидан жами 5 та, 2025 йилнинг дастлабки 10 ой давомида 472 та, умумий 477 та маъмурий ишлар кўрилган бўлиб, ушбу маъмурий ишларнинг 45 таси яъни 9,44 фоизи (2024 йилда 20 та (4), 2025 йилнинг дастлабки биринчи ярим йиллигида 25 та (17)) айнан ушбу турдаги ҳуқуқбузарлик ҳақида келиб тушган хабар асосида кўзғатилганлигини таъкидлаб, диссертант юқоридаги муаммоларни таҳлил этган ҳолда илғор хорижий давлатлар (*Қозоғистон, Украина, Литва Республикалари ва Россия Федерацияси*)нинг тажрибаси тадқиқ этиб, манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаслик билан боғлиқ коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ва спорт соҳасидаги коррупциявий жиноятлар (*ЖКнинг 214¹-214²-моддалари*) тўғрисида хабар берган шахсларни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асосларини “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги низомнинг учинчи ва тўққизинчи бандларида белгилаш, хабар берган шахсларга бир марталик пул мукофотининг миқдорини қарор ёхуд ҳукм қонуний кучга кирган пайтда Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдорида белгилаш, хабар берган шахсларни рағбатлантириш билан боғлиқ харажатлар ҳар йили давлат бюджети параметрларида белгиланишининг

ҳуқуқий асосларини Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 28-моддасида белгилашни таклиф этган.

Шунингдек, диссертант томонидан ушбу бобда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида аноним тарзда хабар бериш тартибининг ҳуқуқий асоси халқаро стандартлар, илғор хорижий давлатлар (*Германия, Австрия, Украина ва Албания*)нинг тажрибаси ва ҳуқуқшунос олимлар (*А.Браун, Д.Леуис, О.Макарова, В.Каримов, М.Мухаммадиева ва бошқалар*)нинг илмий қарашлари асосида ўрганилган бўлиб, тадқиқотчининг фикрича, коррупциявий жиноятлар латент жиноятлар ҳисобланганлиги боис ушбу турдаги жиноятлар ҳақида келиб тушадиган аноним хабарларни (мурожаатлар) қабул қилиш ва тегишли тартибда ўрганиб чиқишнинг ҳуқуқий асосларини миллий қонунчиликда белгилаш долзарб аҳамият касб этади. Жумладан, диссертант томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармонида коррупция фактлари ҳақида аноним хабарларни ўрганиш имкониятларини яратиш белгиланган бўлса-да ҳанузгача ушбу топшириқ ижроси бажарилмаганлиги, статистик маълумотлар таҳлили эса **прокуратура органларига** охириги олти йил (2018-2024 йй.) мобайнида коррупциявий ҳолатлар кўрсатилган жами: 2470 та (2018 йилда 285 та, 2019 йилда 189 та, 2020 йилда 347 та, 2021 йилда 487 та, 2022 йилда 394 та, 2023 йилда 356 та, 2024 йилда 412 та), **Коррупцияга қарши курашиш агентлигига** 2021-2024 йиллар ва 2025 йилнинг дастлабки 6 ойида жами: 229 та (2021 йилда 117 та, 2022 йилда 63 та, 2023 йилда 27 та, 2024 йилда 12 та, 2025 йилнинг дастлабки 6 ойида 10 та) коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида аноним мурожаатлар келиб тушганлиги, амалдаги қонунчиликда бундай хабарлар (мурожаатлар)ни кўриб чиқиш ва аниқланган коррупциявий ҳуқуқбузарликларга нисбатан тегишли чоралар кўриш тартибига доир норматив-ҳуқуқий асослар белгиланмаганлиги ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида фош этишга тўсқинлик қилаётганлиги таъкидланган.

Шу сабабли, муаллиф томонидан тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунини коррупциявий ҳуқуқбузарликларга оид аноним мурожаатларда келтирилган фактик маълумотлар давлат органлари ва ташкилотларининг тегишли бўлинмалари ёки коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат бўлинмаси томонидан ўрганиб чиқилиши ёхуд кечиктириб бўлмайдиган алоҳида ҳолларда коррупциявий ҳуқуқбузарликларга оид аноним мурожаатлар ваколатли органларига юборилишига оид янги 24²-модда (*Коррупциявий ҳуқуқбузарликларга оид аноним мурожаатларни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари*) билан тўлдириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 323-моддасини оғир ва ўта оғир коррупциявий жиноятлар тўғрисидаги аноним мурожаатлар белгиланган тартибда ўрганиб чиқилиши ва фактик маълумотлар асосли бўлганида жиноят

ишини кўзғатишга сабаб бўлиши билан боғлиқ янги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилган.

Бундан ташқари, ушбу бобда диссертант томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларга иш жойида меҳнатга оид муносабатларда тазйиқ ўтказилганлик ҳолатлари бўйича *1100 нафардан* ортиқ ходимлар ўртасида ўтказилган сўровнома яқунлари бўйича “Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш ортидан иш жойида тазйиқ ёки зўравонликка учраганмисиз?” деган мазмундаги саволга респондентларнинг **31,6 фоизи** “ҳа” деган мазмунда жавоб берганлиги, айрим хорижий давлатлар ва мамлакатимизда вужудга келган муаммоли ҳолатлар (*кейслар*) ва Transparency International (TI) ташкилотининг халқаро коррупцияга қарши барометри томонидан Ўзбекистон аҳолиси ўртасида ўтказилган социологик сўровнома натижалари таҳлил қилиниб, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларга нисбатан иш жойида меҳнатга оид муносабатларда вужудга келиши мумкин бўлган тазйиқ, таъқиб ва зўравонлик ҳолатларини олдини олиш юзасидан уларга ҳимоя ордерини тақдим этишнинг зарурати ва истиқболи ҳамда ҳимоя ордерини тақдим этиш чора-тадбирларини молиялаштириш манбалари тадқиқ этилган. Шу боис, тадқиқотчи юқоридаги ҳолатларни инобатга олган ҳолда, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни иш жойида ҳимоя қилиш юзасидан миллий қонунчиликка жорий этиш мумкин бўлган таклифларни илгари сурган. (*Лойиҳалар диссертация иловасида келтирилган*).

Диссертациянинг “Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш масалалари” деб номланган учинчи бобида диссертант коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид илғор хорижий давлатлар тажрибаси, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахслар тоифаси ва уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш истиқболлари ва мамлакатимизда хабар берган шахсларнинг ҳуқуқий ҳимоясини такомиллаштириш масалалари илмий-назарий ва ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ қилинган.

Муаллиф томонидан мазкур бобда АҚШ, Ғарбий ва Шарқий Европа мамлакатлари, Жанубий-Шарқий Осиё ва МДХ давлатларининг қонунчилигида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан қабул қилинган махсус қонунчилик ҳужжатлари тадқиқ этилган.

Диссертант томонидан ушбу бобда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларнинг амалдаги мақоми (*кимлар хабар берган шахслар сифатида тан олинishi*), хабар бериш тизимида уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хабарларнинг тоифалари (*коррупцияга оид маъмурий ва жиноий ҳуқуқбузарликлар ҳамда коррупциявий хатти-ҳаракатлар*), хабар бериш тармоғлари (*ички хабар бериш (internal whistleblowing policy), ташқи хабар бериш (external whistleblowing policy) ва оммавий хабар бериш (public whistleblowing policy)*), хабарларни кўриб чиқишнинг процессуал тартиби,

хабар берган шахсни иш жойида ҳимоя қилишда иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда хабар берган шахсларни ҳимоя қилишда махсус давлат органларининг ваколатларини ишлаб чиқиш тадқиқ этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги махсус қонунини қабул қилиш зарурати ва долзарблиги ижтимоий сўровнома, шу жумладан амалиётчи ходимлар ўртасида интервью ўтказилган ҳолда илмий жихатдан асослантирилган ва диссертант томонидан мазкур қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги баён этилган.

Тадқиқотчи томонидан мазкур бобда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлса-да ҳамон ушбу махсус қонун қабул қилинмаётганлиги, хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш тизими яхлит тарзда мавжуд эмаслиги Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (OECD) Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатларида коррупцияга қарши курашиш бўйича тармоғининг асосий субминтақавий ташаббуси ҳисобланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режаси доирасида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш юзасидан миллий қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва баҳолаш юзасидан “қониқарсиз” баҳо берилаётганлиги, бу эса, ўз навбатида “Transparency International” (TI) халқаро ташкилотининг “Коррупцияга қабул қилиш” индексида (CPI) Ўзбекистон Республикасининг ўрнига салбий таъсир кўрсатаётганлиги таҳлил қилинган.

Муаллиф томонидан халқаро стандартларда белгиланган тавсиялар ва хорижий давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш ва қонунда қуйидагиларни белгилаш таклиф этилган (*Лойиҳалар диссертация иловасида келтирилган*):

қонуннинг мақсади сифатида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ва хатти-ҳаракатлар ҳақида жамият, давлат ва халқ манфаатларини кўзлаб хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишини белгилаш;

хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш юзасидан давлат кафолатларини тақдим этиш;

